



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2018 йил “3” *декабрь*

№ 983

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4041-сон қарори
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4041-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4041-сон қарори раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бошқарма ва бўлим бошлиқлари (А.Холиқов, С.Ниязбеков, М.Хамраев, К.Гафуров, Б.Исмаилов, Қ.Қуролов, О.Бозоров) икки кун муддатда қарор ижросини таъминлаш юзасидан “Назорат режа”га бажариладиган аниқ вазифалар ва амалга ошириш механизмлар келтирилган таклифлар тайёрласин.

3. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов) таклифлар асосида “Назорат режаси”ни ишлаб чиқсин ва бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тошкент шаҳридаги Аджу университетининг Васийлик кенгаши таркибида Олий ва ўрта махсус таълим вазири Васийлик кенгаши раисининг ўринбосари эканлиги инобатга олинсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир **в.в.б.**



О.Абдурахманов